

ЗУЛФИЯ

ҲИЖРОН
КУНЛАРИДА

ШЕРЛАР

Уз ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1944

www.ziyouz.com kutubxonasi

Редактор *Миртемир*

Босишга рухсат этилди 12/VI-44 й. Р 02479.
Печатний листи 1,5. 1 печ. листида 37 000.
ҳарф. Учёт. авт. листи 1,4. Тиражи 3000.
Баҳоси 2 с.

№ 1 Тошкент босмахонаси. 1944 й.
Заказ № 341.

*„Менман деган шерлар жанг майдонида,
Ўшаларнинг бири сен севган киши.
Юрт ишқи ёнаркан ёнгит қонида —
Унга гул юбормак ҳар қизнинг иши!“*

THE
LIFE OF
THE
LORD



ҲИЖРОН

Куз оқшоми эди. Булутли оқшом,
Ойдан тўкилмасди кумиш каби нур.
Азамат тераклар сафи хаёлчан,
Кўкка чўзган эди бошини мағрур.

Барглари сарғайган гуллар, дарахтлар
Оқшом туманида сокин боққан чоғ,
Ёрим, севар ёрим жўнади жангга,
Менинг юрагимга тушди ҳижрон-доғ.

Мен севган дилдорнинг севган юрти бор!
Ишқ доим эрк учун ҳижронга рози.
Бу ҳижрон мангумас. Висоли ҳам бор —
Қаҳратон қишларнинг бўлгандай ёзи.

7. II. 42

ПАЛАК

„Сенга мафтун бўлиб севиб қолганим,
Ишқинг оловида ўртанганим рост.
Сенинг ёдинг блан нафас олганим,
Исминг такрорлашга ўрганганим рост.“

Дедингку, эй йигит, юзимга боқдинг.
Сендан узолмадим мен нигоҳимни.
Ўша гўзал баҳор бағримни ёқдинг,
Энди ўзинг тингла тортган оҳимни!

Қизлар бўйи етса тикарди палак,
Мен сени севдиму, олдим қўлимга.
Саватда товланар ранг-баранг ипак,
Баҳор нусха ташлар чизган гулимга.
Душман ажал тортиб келди ватанга,
Бизнинг севгимизга ташлади ҳижрон.
Сен кетдинг яроғинг олиб елқангга,
Қайтаман, кут,—дединг — ёв битган за

Сен-ла бирга кетди баҳор ҳам юрак,
Ёмон ваҳималар олди ҳушимни.
Келгач дилбар хатинг, хайрли дарак,
Умидим ўсдию, тикдим ишимни.

Уни тикабердим кечалар бедор,
Қаршимда суратинг, тортдим қатимни.
Хаёлимда сенсан доим, азиз ёр,
Ишқинг блан чекдим севгим хатини.

Ёвни тамом қилиб сен қайтсанг ғолиб,
Ишқда бирга тепгай биздаги юрак.
Сени қаршилагай қуёшдай ёниб,
Йўлингга кўз тутиб мен тиккан палак.

Сенинг дилларингга бергай ул ором.
Севгим армуғони бўлур умрбод.
Меҳрибон қўлимнинг сан'ати мудом,
Сенинг рўпарангда турса бас, мен шод!

15. IV. 43

ГУЛЛАР ОЧИЛГАИДА

Сени кузатганда опшоқ қор эди,
Энди баҳор келди, боғлар ямяшил.
Сени эсга солиб гуллар очилди,
Қайдасан, гул фаслин севган тоза дил?

Субҳидам уйғониб гулга қарайман,
Оқ, пушти гулларнинг атри сочилар.
Ғамхўр боғбонинг қаерда дейман,
Жавобга ғунчалар лаби очилар:

„Узоқ... узоқларда, эркам у боғбон,
У ерда на гул бор, на гулгун баҳор.
Унда қаҳратон қиш — ўкирар бўрон.
Ҳали ёғмоқдадир паға-паға қор.

Душман ҳазон қилган гулсиз у боғлар,
Севганинг қўлида топгуси ҳаёт.
Гулзорда сайралмас бойқушлар, зоғлар,
Баҳор қушлари боз елпигай қанот...

Ў дер ёвдан асар қолмасин буткул,
Ғалаба байрами бўлсин гул блан.
Йигит севганига тутсин яна гул —
Ёвни енгиб келган ғолиб қўл блан.

— * * *

М
Ўенман деган шерлар жанг майдонида,
Қшаларнинг бири сен севган киши.
Ўрт ишқи ёнаркан йигит қонида,
Унга гул юбормак ҳар қизнинг иши.

Гулинг очилибди, ёрингга юбор,
Меҳрингдан сўзласин унга ҳикоя.
Атр гуллар ҳиди маст этсин такрор,
Севгинг балолардан қилсин ҳимоя.

Гуллар бағишласин томирига қон,
Жангларда мърдлиги бўлсин зиёда.
Курашда ботирлик келтиради шон,
Марднинг номи мангу қолар дун'ёда.

* * *

Шундай, субҳидамда сен деб уйғониб,
Гуллар эртагига қулоғим солдим.
Сен эккан гулларнинг лабидан қониб,
Тўйгунча лаззатли бўсалар олдим.

20. V. 42

*ҚЎЛИМДА ҚУРОЛУ,
УСТИМДА ШИНЕЛЬ*

Узоқ мен ўртандим, ёндим ҳижронда,
Кундан-кунга бўлди муҳаббатинг зўр.
Сени ўйлаганда жон ҳаяжонда,
Жисмим ўтда ёнди, йўқолди хузур.

Тунда юлдузлардай кўриндинг узоқ,
Юрагимда ҳасрат, кўзларим гирён.
Сенинг унутилмас суратинг ҳарчоқ,
Сихрли куч каби имлар сен томон.

Лекин сен қайдасан, ҳабар бермасанг,
Қайси жанг чўлидан ахтарай сени.
Сен томонга тушган, айтгин қайси йўл
Сенинг ҳузурингга элтади мени?

„Олға кетмакдамиз ҳужум-ла ҳамон,
Музаффар жанггимиз этмакда давом.
Нега хат ёзмайсан, енгдими ҳижрон,
Бардош қилаолмай унутдинг тамом?“

Дебсан, қаро кўзим, хатни кўп ёздим,
Мендаги муҳаббат сизмас мактубга.
Кутдим, ўйламаки севгидан оздим,
Бардош берар экан севги махбубга.

Наҳот мен унутай, унутай сени,
Наҳот ўйладингки шунча бағрим тош.
Юлдузлар кўзингни эслатган чоғда.
Наҳотки, тўлмаса дийдаларга ёш.

Беҳад соғинганман, кўришга зорман,
Ҳабар бер, қайдасан, эй офатижон.
Буқун сен томонга қиламан сафар,
Сен ҳам кўрмак бўлсанг бергил тез нишон!

Гўзал Ўзбекистон қолди ортимда,
Қизлар оқйўл тилаб силқитди рўмол.
Оқйўл тиладилар яшил далалар,
Ҳовуз бўйидаги жийда, мажнун тол.

Сўроқлаб бораман учган қушлардан,
Мардлигиндан куйлар улар навоси,
Силаб сочларимни мени эркалар,
Улуғ Россиянинг қорли самоси.

Бирга жанг қилармиз туриб ёлма-ён,
Таниш бўлиб қолар ўқлар овози.
Мен узган ўқимдан немис йиқилса,
Сен мамнун бўларсан, ватан ҳам рози.

Ишқинг қанотида сени сўроқлаб,
Парвоз қилмоқдаман осмонда евгил,
Тездан етажакман сенинг ёнингга,
Қўлимда қуролу, устимда шинель.

17. IX. 43.

ФАРЗАНД

Нега севмай, эркалаб ўпмай,
Нечун демай уни ҳаётим?
Нега демай кўзимнинг нури,
Сўзлаганда қандим, наботим?

Ширин экан фарзанд, у блан
Оилага кирар экан жон.
Кўзи кўзга тушиши блан,
Меҳри болқир экан бепоён.

Истиқболнинг кўзинг олдида,
Кундан-кунга топаркан камол,
Сенинг тоза ҳаёт боғингда,
Ўсар экан бебаҳо ниҳол.

У бор ерда қайғу ва хасрат,
Ҳаётингга бегона экан.
Қани айтинг, фарзанддан афзал,
Бу дун'ёда нима бор экан?

О... фарзандим, кўзим нурисан,
Менга сендай бўлаолур ким?
Сен ҳаётим, сени кўраркан,
Дилда беҳад жўшади меҳрим.

Қора кўзларингга қарайман,
Унда борлиқ бўлур намоён.
Унда порлоқ саодат, бахтинг,
Жилваланиб кўринар аён.

Ширин сўзинг, чексиз меҳринг бор,
Гул юзингга ошиқдир қуёш.
Меники деб осмонда ҳулқар,
Палак блан қилади талош.

Қучоқлайсан менинг бўйнимдан,
Дейсан қачон келаркан дадам?
Дадажонинг марддир майдонда,
Қирмоқдадир фашистни бардам.

Душман ўлгач зўр байрам бўлур,
Даданг қайтиб келар ўша кун.
Ва биз кўрган интизорликни,
Унутармиз, жоним, бусбўтун,

Сен ўсабер, беқайғу эркам,
Муҳаббатим бошингга соя.
Сен ухласанг алла айтайин,
Қўшиқларим кўп, бениҳоя.

Гуссасиз ўс, ғам кўрма зинҳор,
Сенга порлоқ тилайман иқбол,
Бу дун'ёда на яхшики бор
Сенга, қўзим, сенга бўлсин, ол!

27. V. 42

ЭРИМАКДА ҚОР

Қуёш ҳовуч-ҳовуч нурини сепиб,
Хур-хур еллар эсиб эримакда қор,
Ўраб майсаларга водини, қирни,
Дилларни эркалаб келмакда баҳор.

Осмонда оқ, енгил булутлар сузур,
Сойлар тўлиб оқар шишадай сувлар,
Пода қирга чиқиб қилмоқда ҳузур,
Тоғда ўйноқлашар гала оҳулар.

Дарахтлар киймакда ямяшил либос,
Кўркини очмоқда кечаги куртак,
Дилларда туйғулар уйғониб қийғос.
Этмакда муҳаббат ҳақида эр ғок.

Водида шаббода кезмакда майин,
Наврўз блан қутлаб колхозчиларни,
Булбул чолиб ўтиб, илҳомбахш найин,
Далага чармайди тонгда уларни.

Найда такрорланар сафарбар сўзлар:
✓ .Ёрим келсин десанг голиб беғубор,
Мана семиз тупроқ ишла, зулфизар,
Нозик қўлларингда мардлар кучи бор! ✓

Ўгли йўлларига мунтазир она,
Ҳижрон юрагига ўт солган келин,
✓ Сен меҳнат қилмасанг бунда мардона,
Фурсатни бой берсанг, ғалаба қийин!

Ҳамал — амал эрур. Ҳар кетман зарби—
Буюк ҳосилларга бўлур далолат.
Сенинг қўлинг блан жангда қаҳрамон,
Душманнинг бошига солар қиёмат.*

Еллар тонгда тинглар мардлар онтини.
Меҳнатга керади кенг куксини ер.
Колхозчи сураркан тракторини—
Бу ерда кўкарар ёвга офат — дер.

* * *

Қуёш ҳовуч-ҳовуч тўкиб нурини,
Хур ҳур еллар эсиб эримакда қор,
Ўраб майсаларга водини, қирни,
Дилларни эркалаб келмакда баҳор.

25. III. 43

· СУЛУВ ТОНГ

Эрта баҳор эди, бутун табнат
Яшил бахм ал блан ёпилган эди;
Ёмғир сувларила етилган ерлар
Кучли қўллар блан чопилган эди.

Экин ерларида эди намоён
Баҳорги меҳнатнинг ҳосилдор изи.
Тоғлар этагида, қирлар кўксида
Секин чайқаларди лола денгизи.

Куйчи ариқларнинг бўйида жийда
Майин таратганда атр бўйини
Кумишдай баргларда бошланганида
Тонгги шабнамларнинг жилва — ўйини;

Мен лола тергали чиқдим далага
Кетдим майсалардан олмай кўзимни.
Қалбим осойишта, кўнглим беғубор
Шабода еларди силаб юзимни.

Енгил борар эдим марзалар бўйлаб,
Қушлар учар эди кўмкук ҳавода,
Сувлар қўшиғига борлигим мафтун
Эркин оқар эдим ширин навода;

Қайдан пайдо бўлди, билмайман ҳали,
Қаршимда бир барно йигитни кўрдим.
Шуон кўкрагимда бирнарсан ёниб .
Унинг оташида мен беҳол турдим.

Бутун абзойимда ўша ўт юрди,
Кўзим унга тўнди, тилим бўлди лол.
Ҳамон сочар эди бўйини жийда,
Сувлар оқар эди ариқда зилол...

Аста бурулдим булоқ лабига,
Шаффоф сувларига ювдим юзимни.
Унинг замзамали оинасида
Гўзал ва бахтиёр кўрдим ўзимни.

Ховуч-ҳовуч олиб муздак сув ичдим, }
Лекин ҳароратни этди зиёда.
Юрагим ўртанди беҳад, беомон
Гўё фарқ бўлгандим ўтли дар'ёда.

Ўш аўтли дар'ё зўр тўлқинида,
Тотли бир лаззатда пар каби оқдим.
Покиза қалбимда туташди оташ,
Мен ишқ китобига илк марта боқдим.

Шундан бери ўтди қанча баҳорлар,
Қанча мрамор тонгнинг чиқди қуёши.
Беҳад сулув эди, кўп сулув эди —
Ўша ишқла кирган тонгларнинг боши.

Ҳар баҳор фаслининг шундай тонгини,
Юлдузлар кетмасдан кутаман боғда.
Гўзал хотиротга тўлади қалбим,
Еллар сулув тонгни эслатган чоғда.

| Шунда келтиради сабо, қуёш, гул
Ёшлик баҳоридан чексиз нашида,
Севги парисидай эркалар мени —
Атирдай бўйини сочганда жийда.

30. III. 44

КЎЗЛАРИНГДА БОРМИ ЮЛДУЗИНГ

Бунча ҳам беғубор, бунча ҳам тиниқ
| Нурда ювилганми, яхши қиз юзинг?
Бунча боқишларинг оромбахш — илиқ,
Бунча жон олғучи ўтлидир кўзинг?
Айтчи, кўзларингда борми юлдузинг?

Сенинг кўзларингга ошиқ бир йигит,
Доим ўтказармиш тунларни бедор.
Лекин айтолмасмиш сенга бетма-бет,
Фақат қалби секин чекар эмиш зор,
Айтчи, кўзларингда борми юлдузинг?

Ошиқ чин сўзлади. Ишондим дилбар!
Жамолинг кўрганлар бўлади шайдо.
Кимки кўзларингга ташласа назар,
Нечун унда бўлур зўр оташ пайдо!
Айтчи, кўзларингда борми юлдузинг!

Менга дедиларки, жангда — узоқда
Сенинг муҳаббатинг — кўнгил қўйганинг.
Кўзларинг ёдига тушгани чоқда,
Шердай жанг қилармиш сенинг суйганинг.
Айтчи, кўзларингда борми юлдузинг?

Севганинг бор экан. Ўзгага назар
Қилмасанг, эй дилбар, бу ишинг яхши.
Вафо — муҳаббатни безайдиган зар,
Боқишинг юракнинг ҳаётини нақши,
Айтчи, кўзларингда борми юлдузинг?

Қандай бахтли экан, илтифотингга
Сазовар бўлган жангдаги йигит!
Ҳижрон чирой бўпти латофатингга,
Камол топ, эй гўзал, муродингга ет,
Чиндан ҳам бор экан кўзда юлдузинг!

5. IV. 44

ҲИЖРОН КУНЛАРИДА

Эй севгуси азиз, эй севимли ёр,
Кетма, асло кетма кўзимдан йироқ!
Гарчи тушимда ҳам сени бир кўриш —
Ҳижрон кунларидан минг бор яхшироқ.

На гўзал тунларки — январь тунлари —
Узун қиш тунлари ўзинг тушимда.
Қаро кўзларингнинг дилбар нигоҳи,
Кун бўйи яшайди ақлу-ҳушимда.

Келиб теразамдан боқдинг жилма йиб,
Кўрдиму севинчдан тилим бўлди лол.
Бир нафасга келдим, — дединг, — кўргали
Қушдай учиб чиқдим олдингга дарҳол.

Атрофда очилди эрам боғлари
Биз аста йўл олдик гуллар сайлига
„Сен учун очилган, сенга деб уздим
Ол, — дединг, — қўлингга сўлса майлига!“

Севги, ҳаяжонда ёнингда юриб
Берган гулларингни дасталаб олдим
Хаёдан юзингга боқолмай тикка
Ранго-ранг гулларга нигоҳим солдим.

Гулларда учратдим сенинг кўзингни
Оташин севгингни ўқидим унда;
Уни ўпмак бўлиб юзимни қўйдим...
Қушлар ҳам сайради шул ажиб тунда.

Мен уйғониб қолдим. Қалбим безовта,
Сўнгра бедор ўтдим ол тонг отгунча;
Менла бирга яшар гўзал хотирот
Сен ёвни йўқотиб омон қайтгунча!

23. I. 44

ИККИ ШЕ'Р

1. ЭСЛАГАНДА

Хотирингда борми, байрам кун эди,
Иккинчи Май куни бирга бўлдик биз.
Бирга боғ айландик, ширин суҳбатлар,
Кейин сув бўйига келдик иккимиз.

Сув шўх оқар эди, сув қўйнида ой,
Чирорларнинг акси ўйнашар сувда.
Дарахтлар, гулларнинг баргларида нур,
Кўкда тун гўзали сузар осуда.

Оқ куйлакда эдинг, орқанг тўла соч,
Беҳад гўзал эдинг — бир пари мисол.
Бир сўзлаб ўн кулдинг — сенинг ҳар сўзинг
Солди юрагимга умид, яхши фол.

Сен кулдинг — у кулги гул япроғида,
Гуллар гунчасида қилди табассум.
Сен кулдинг — у кулги ой боқишида,
Сенинг ишқинг блан қаради ма'сум.

Сен кулдинг — у кулги чироғ нуридай,
Менинг кўзларимга порлаб қўйилди.
Шўх оққан анҳорнинг тўлқинларидай,
Жаранглаб қирғоққа тордай урилди.

Шул оқшом мен учун борлиқ сен эдинг,
Ёлғиз сени кўрдим, сенла олдим тин,
Ўша сувнинг бўйи, ўша оқшомда
Сенла бўлган эди жаннат десам, чин.

Лекин шошавердинг, сен қиз уйингга,
Тонггача қолишга мен эдим рози.
Чунки бахтли эдим, ҳузуримда сен
Мени маст этганди кулгинг парвози.

Эшигинг олдида хайрлашдик биз,
Сени жаннат ҳавлинг қўйнига олди.
Мен кетдим бир ўзим, кўзда суратинг,
Қалбда ҳандонингдан лаззатлар қолди.

Ҳозир мен жангдаман — сендан узоқда,
Тўплар гумбурлайди, атроф қор оппоқ.
Кўзларим олдида юртдаги боғлар,
Ва сен чилвир сочим, йўлимга муштоқ.

Мени соғинганда — дўстларинг блан,
Ул жаннат боғларни сайр эт, эй нигор,
Мен ҳам тез қайтарман, жарангли кулгини
Яна мени этар масту, бахтиёр.

II. ВАФО

Гўзал лавҳаларни эслатган хатинг,
Сени соғинганда тегди қўлимга,
Ҳарбир нуқтасида бор муҳаббатинг,
Муҳаббат тўлқуни оқди дилимга.

Тўғри, мен кулардим, сен мамнун эдинг,
Бўлмасди дилларда қайғу — шикоят.
Ҳаёт гулгун эди, ҳижрон бегона,
Ҳамма бахтли эди — шод бениҳоят.

Азизим, ёзибсан — дўстларинг блан,
Биз юрган боғларга айла наззора!
Ҳарчоқ синглинг блан чиқаман боққа,
Сени кўргим келиб дил бўлса пора.

Доим у блан мен. У ўхшар сенга,
Унинг ҳам сенингдай кўзлари хуммор,
Сенинг табассуминг, сенинг қиёфанг,
Сенинг суҳбатингдай ширин сўзи бор.

Ҳозир у биз юрган сувнинг бўйида,
Райҳонлар кўкарган — сочилар атри,
Гулларнинг қатида бўлмиш намоён,
Сен менга ўқиган ше'рларнинг сатри.

Бу ер гул ўлкаси — севишган қалблар
Урушин тинглаган тол ҳам очар гул.
Ўша анҳор бўйи — сен севган қирғоқ
Гулларга кўмилган, сайрайди булбул.

Уларнинг ҳаммаси эслатар сени,
Қуёш нафасингни, ой боқишингни.
Иссиқ юзларингни эслатса синглинг,
Кўзлари эслатар дил ёқишингни.

Қалб сени танлаган сенинг дардингла,
Бир нафас билмайди ором, фароғат.
Ҳижрон сўнги келар, у кунлар яқин,
Висол умидлари боғишлар тоқат.

СЕНИНГ МАФТУНИНГ

Яхшики йигитда эр юраги бор,
У севса ҳеч қачон ёнмас яширин.
Севгинг тўғрисида ўзинг очдинг сўз,
Эй кўзи қопқаро, сўзлари ширин!

* * *

Менинг севганимни ҳали билмасдинг,
Танҳо ўртанишдан мен олдим лаззат.
Дилимни кемирган муҳаббат сири
Ўзим ардоқладим, ҳам қилдим иззат.

Қалбимга ёзилган муҳаббат сўзи,
Ўйимни чўлғади менинг ҳар минут;
Лекин ишондимки, сен сўз очмасанг
Шу дардда ўлсам ҳам этаман сукут.

{ Ҳатто билмас эдим, севармидинг сен,
Балки севганингдир бир бахтиёр қиз.
Валки хаёлингдан мен беҳад йироқ,
Аммо сен дилимда кечаю — кундуз.

Қизга уят дедим, айб деб билдим,
Йигитга севгисин айласин изҳор.

Бу — доғ деб ўйладим қизнинг хуснига
Энди иложим йўқ бўлмайин иқрор.

Узоқ мен ахтардим, аммо ўзимда
Бир куч тополмадим севгидан устун!
Мен сени севаман, сеҳиргар йигит
Бутун борлигимла мен сенга мафтун.

7. VI. 44

СОЙ КЕЧАСИ

Тоғ ортидан кўтарилди ой,
Сўлум қирғоқ нурла ўпишди.
Кўзгу бўлди жим-жит оққан сой,
Ойнинг акси сувларни қучди.

Сойми ёки шаббода олди,
Менинг кўзимдаги уйқуни?
Ой ёримни ёдимга солди,
Дилда тошди севги тўлқини.

29. VI. 43

ОЛТИН КУЗ

Севаман олтин куз, севаман жондан,
Табнат безанган гўзал чоғингни.
Дарахтлар ранго-ранг кийим кийишиб
Кўзни эркалаган гўзал боғингни.

Севаман, ерларга гўзал япроқлар
Юмшоқ ва ранг-баранг гилам тўшаса
Қизалоқлар боғда териб баргларни,
Гулдасталар ясаб алван ўйнаса.

Далада пахталар кумуши порлаб —
Момик юзларини қуёшга тутса,
Теримчи чечанлар этаги тўлиб
Тоғдай хирмонларга келтириб тўкса —

Мен беҳад севаман! Енгим шимариб
Қизлар орқасидан кетаман мен ҳам.
Кенг водий қўйнида кўксим қабариб
Яйрайман. Наш'ага тўламан бун дам.

Симоб тўлқинлари осмонни қоплаб,
Муттасил ёмғирлар зеркиртирса ҳам,
Кумуш булоқларнинг сувлари сокиб
Қушлар инларига кириб олса дам;

Мен гамгия боқмайман. Кўнглимда баҳор,
Олтин япроқларга қараб толмайман.
Гўзал келинчақдай ҳарбир дарахтни
Севаман! Нигоҳим уза олмайман.

Булут чодирини йиртганда қуёш
Зангори осмонга бўламан мафтун,
Севаман, нурларда пати ялтираб
Оппоқ кабутарлар қилсалар ўйин.

Тўзони ювилган барглар шамолда
Рангин кўз-кўз қилиб тебранса мағрур,
Ҳозир тинган ёмғир томчиларини
Олтин япроқларда эркаласа нур.

Гавҳар маржон каби ялтираб турса,
Севаман ўшани беҳад-бепоён!
Қуёшни қаршилаб чиқиб айвонга
Нурларга кўмилиб юраман шодон.

Севаман олтин куз, севаман жондан,
Товусдай безанган дарахт боғларни;
Ёмғирли оқшоминг, қуёшли тонгинг
Хаёлга чўмганим гўзал онларни.

ЙИГИТЛАРГА ✓

(Ўзбек жангчилари делегациясига)

Салом келтирибсиз, хуш кўрдик дўстлар,
Йўқлабсиз, юксалди кўнгил бепоён,
Шод бўлди оталар, оналар, қизлар,
Дўстлар орзу қилди кўрмакни шуон.

Келдингиз, баҳодир йигитлар сиз-ла,
Халоскор мардларнинг саломи келди,
Соғиниш, муҳаббат, меҳрга тўла,
Хатлари ҳам ширин каломи келди.

Бизнинг дилимизда сиз бор ҳармаҳал,
Музаффар йўлингиз эл нигоҳида,
Душманнинг бошига ёғдириб ажал
Жавлон урганингиз қасос отида.

Сиз жангда ботирсиз, сизнинг юракда,
Кекса боболарнинг ўлмас номи бор.
Муқаддас интиқом ёшлик ғурури,
Танда йигитликнинг жўшқин қони бор.

Биз эса сизлар-ла оламиз нафас,
Ҳарбир ғалабангиз келтирар шодлик
Сиз қилъч солганда ўлганда душман
Бизда тўй бўлади ясанар борлиқ.

Азиз паҳлавонлар, уринг аблахни,
Қанча кўпроқ ўлса шунча тез зафар,
Қанча кўпроқ ўлса элнинг бошидан
Тезроқ кўтарилар бу хавфу-хатар.

Биз сизни кутамиз, кўзлар интизор,
Дилни пора қилар ҳижрон тунлари.
Лекин тунимизни ёритар ҳар он,
Сиздаги зафарнинг ўткир нурлари.

Биз сизни кутамиз, қадирдон мардлар,
Бодомлар оқ гулин очгани дамда,
Далада иш қизиб, эсганда еллар
Қизлар уйқусини этганда канда.

Ёвни янчиб келинг тезроқ, кутамиз
Бухор беқасамдан ёзиб поёндоз
Бутун кўчамизда бўлади байрам,
Гулдасталар блан чиқамиз пешвоз.

Февраль 1943

ВИДО'ЛАШУВ

(М. Исаковскийдан)

Жоним, сен йироқда, битмоқда куним,
Қалам олмоқдаман қўлга сўнгги бор.
Кимга бориб тегса, майли, мактубим
Сенга ёзилмишдир зинхор ва зинхор.

Алвидо' қадрдон! Энди баҳорда,
Қизлар гулни куйлаб ўйнамас боғда,
Бунда зулмат ҳоким, сўлим қизларни,
Қулликка йўллайлар тонг отар чоғда.

Азизим! Эркисизга немис ерида, /
Таҳқир ва азобсиз бўлурми ҳаёт? /
Балки аллақачон бир дор тагида,
Менга мунтазирдир оғзи қон жаллод.

Балки жарликларга отар танамни,
Ётарман пок сийнам бўлиб чок-чок.
Паришон ёзилган ипак сочимни,
Топтаб ўтиб кетар қадами нопок.

Жонгинам! У олтин кокилни унут!
Энди у ўсмайди. Топталгани рост.
Гуллар, гул баргига тушган шабнамни
Барини унутгин, фақат ол қасос! /

Мени қайлигим деб атардинг ҳарон,
Ҳушнуд тўй кунларин кутардим доим.
Энди бир ифлоснинг ҳирсига қурбон
Бўлиб, гунчаликда сўлди чиройим.

Халок этмасинлар, ўлдирмасинлар,
Яшамоқ истаيمان байрамга қадар.
Шунда ҳам сен пешвоз чиқма йўлимга,
Таний олмаслигинг, жоним, муқаррар.

Татьянанг рухсори сарғайиб сўлган
Таниб ололмайман ўзимни тамом.
Жондан севганингни унут, азиз ёр,
Аmmo ёшлигим-чун олгин интиқом!

Қалин ўрмонлардан овозим эшит,
Ўлдир ул аблаҳни, жаллодни ўлдир!
Ёздим бу мактубни гурбатда куйиб
Шунинг-чун ёшимдан қоғоз ҳам хўлдир.

Алвидо' қадрдон, жоним алвидо'!

БИЗНИ КУТ

(М. Исаковскийга жавоб)

Татьяна, овозинг қулоққа етди,
Пора-пора бўлди юрак шу замон.
Немис қамчисининг қурбони бўлди
Кулгинг жаранглаган сен яшаган он.

Гулшанлар қўйнида орзуга тўла,
Ҳаёт кечирардинг инсонликка ҳос.
Боғдаги булбулга бўлиб ҳамоҳанг
Сайраб ўсар эдинг ғурбатдан халос.

Энди чарх ураркан ўлим бошингда
Зорингдан титради еру-осмон,
Жаллодлар куларкан сенинг қошингда
Жонинг ўртандими ўтда беомон.

Сени балоларга этиб гирифтор,
Асло ташлайолмас қулликка ҳечким!
Бизнинг интиқомга бўлади дучор,
Ҳам сўзсиз ўлимга этилар маҳкум.

Ипак сочларингни топтай олур ким?
Бармоғи текканнинг олинур жони!
Сенинг кўз ёшингга сабаб бўлганлар,
Ҳарбир томчисининг бўлур қурбони.

Қалин ўрмонлардан келади додинг,
Сенинг кўз ёшингдир ундаги шабнам.
Сени нурга кўмиб, ёшингни артар,
Шарқдан кўтарилган қуёш субҳидам.

Бизни кут, қаршингда турса ҳам ўлим,
Йиртқич чангалида бўлсанг ҳамки, кут.
Қардошларинг сенга узатган қўли,
Буюк ишонч блан бизларга кўз тут.

Бизни кут, бардошинг сенга бўлсин ёр,
Занжирбанд бўлсанг ҳам этамиз халос.
Аждарҳо оғзидан — Герман чоҳидан
Кутқарар биздаги муқаддас қасос.

Сен ул асоратда бўлмайсан халок,
Байрам кунларига етасан омон.
Товусдай товланиб бошингда гултож
Хромон юрасан эркин ва шодон.

Бизни кут жонгинам, бардош блан кут!

7. III. 49

ПАРТИЗАННИНГ ҚАБРИ ТЕПАСИДА

(Якуб Коласдан)

Танҳо ва яланғоч қум тепаликда,
Уч қарағай чўзмиш осмонга бош.
Ундан уфуққача ёйилиб кетган,
Жим-сокин далалар ётади ёввош.

Қўлда ўроқ блан юрмайди деҳқон,
Омочда акс этмас кун нури букун:
Фақат узоқлардан келар ҳар замон,
Кекса ўрмонлардан тарқалган шовқун.

Кумлоқларда ўйнаб елади шамол,
Тараб қарағайнинг ёзар кокилин.
Гоҳи сўқмоқ йўллар блан бир қатор,
Қизлар ўтишади излаб қўзқорин.


Ҳозир ўрмон бўйлаб оғир мотамда,
Жангчи партизанлар отряди келар...
Қарағай остидан ташлашиб одим,
Қум тепа томонга оҳиста жилар.

Отряднинг бошлиғи қайғули, сокин,
Ўрмон ёқасига ташлайди назар.
Ишораси блан оҳиста — секин,
Қўрғонга кирдилар партизан — дўстлар.

Тўртта паҳлавоннинг елкасида зўр
Қайғули юки бор. Кўзларида ўт.
Чексиз мотам ичра ерга қўйилур
Қарағай шохидан қилинган тобут.

— Бунда кўмилажак қаҳрамонимиз...
Деркан қазирдилар ерни тутиб бел,
Ўрмон шитирлашдан, қушлар сайрашдан
Тўхтади ва қотди дарахтларда ел.

Боллар ерга тушар баробар, текис,
Бир ёнга уюлар олтин каби қум.
Қарағай қабрга эгиб бошини
Кўмкук булоқлардан мум тўкар юм-юм.

Қабр тайёр бўлди. Совуқ, абадий,
Уйқига чўкмишдир жангчи паҳлавон
Юмшоқ, эркалавчи бутоқларда тек 
Жонсиз, ҳаракатсиз — ётар қаҳрамон.

Бир умр юмилмиш узун киприклар,
Оташин юзи ҳам мрамардай қотмиш!
Қизил қон томчилар ёниб — ялтираб,
Сочлари остига мунчоқдай ботмиш.

Унинг-чун бекилмиш ҳаёт йўллари,
Қора кўзларида акс этмас жаҳон.
Мўйлаб сабза қилган чиройлик рухсор
Гуллаган чоғида бўлмишдир хазон.

Етмакда қалбларни эзар дақиқа —
Қабрга қўйилур қаҳрамон тани.
Аммо, аччиқ ёшлар тўкилмас ерга
Қотмишдир қайғули кўзларда бари.

Командир олдинга чиқиб даврадан,
Сўнгбор видо'лашди яқин дўст блан:
„Алвидо', қадирдон биродаримиз,
Мард йигит қабрингда тинчиб ётгин сан!

Қўрқишни сен асло билмадинг, лочин,
Жангларда олдинда бўлдинг ҳар маҳал,
Эрк учун, жонажон ватанинг учун,
Мардларча курашиб топдинг сен ажал!

Лекин қабоҳат ёв унутмасин ҳеч,
Гитлер балоларга бўлур гирифтор,
У босган ерларнинг сувлари заҳар. ✓
Бутун дарахтлари унга бўлур дор!

Сенга сўз берамиз, эй азиз ўртоқ, !
Қабринг тепасида ичамиз қасам:
Фашист аблаҳларни қиламиз яксон,
Тирик қайтармаймиз биттасини ҳам!"

- Онт ичамиз — дея дўстлар шивирлар,
- Онт ичамиз — дейди ўрмон ва фазо.
- Онт ичамиз — дея барглар шитирлар,
- Онт — деб коинотдан келади садо.

* * *

Қаҳрамон жангчининг қабри бошига.
Уч кекса қарағай солмишдир соя. ✓
Кўкдаги юлдузлар гулларга қараб,
Ботир қилмишидан сўйлар ҳикоя.

Қабр бошидаги тахта парчаси,
Берар халок бўлган жангчидан хабар,
Қарағай тахтага тўрт сўз ёзилган:
„Патуп комсомолец, боғир жанговар.“

УНИ ФАРҲОД ДЕР ЭДИЛАР

Осмон тиниқ. Тоғ оралаб ел,
Ўйнар эди субҳидам енгил.
Тоғ бошида ярқирайди қор,
Этагида ямяшил баҳор.

Шу тоғлардан, тошлар ёнидан,
Қисматга ёр ошиёнидан
Кўзгудаги қизни этиб ёд,
Паришон ҳол кўринди Фарҳод.

Вазмин ташлаб олдинга қадам,
Чиқиб келди кўзларида ғам.
Дарак излаб ҳуршид юзлидан,
Кўзгудаги оҳу кўзлидан.

Куйлар экан оташда тинмай,
Жаранглади ҳасрат тўла най.
Бу дил ором ширин овоздан —
Ҳаста дилдан чалинган создан

Маст бўлгандай унинг ёнида
Кезиб юрди майин шаббода.

Гул ғунчаси қўшиққа мафтун —
Бўлиб кўксин чок этди бутун.
Хушбўй ҳидин таратди райҳон
Тўлиб кетди атрга ҳарён.

Куйни тинглаб соч ёзди толлар,
Тебранишди нозик ниҳоллар,
Бу куйчига тан бериб буткул
Қўшиғини унутди булбул.

Тинглар экан симобдай чашма,
Жилваланиб қилди карашма.
Авжга чиққач ҳофиз навоси,
Куйга тўлгач боғлар ҳавоси,
Бош кўтариб майса ётоғда
Қулоқ солди оҳулар тоғда.

Кўзларида маржон-маржон ёш,
Тош устига қўйганида бош
Тошлар болиш бўлайин деди.
Гуллар кўрпа солайин деди.

Чўллар очмак истади чаман
Атр сочмак истади тикан.

Висол топмай чекканда азоб,
Бағри куйиб бўлганда кабоб,
Тутмак истаб майли пиёла
Водиларда очилди лола.

Атрофини ўраган ҳаво
Бўлсам деди дардига даво.
Охир ғамгин қўшиқ ҳам тинди,
Ҳур қизлардан акс садо келди:

„Эмиш юртинда Фарҳод исми,
Бунда тоғ қазуҷидур,
Матой ҳусн олмоққа
Келиблур де бу бозора“.

Жаранглади тоғларда бу куй,
Ширин юрган боғларда бу куй.
Булбул қилди бу куйни хониш,
Халойиқдан ёғилди олқиш.

Чапак чалди зилол япроқлар,
Чапак чалди тоғлар, тупроқлар,
Гул кўтариб оҳулар келди,
Гуллар сочиб шамоллар елди.

Гашлай берди қизлар гулдаста
Саҳна гулга тўлди бир пасда,

Икки юлдуз чақнаб кўзидә,
Зўр ҳаяжон сезиб ўзида,
Табассумла ташаккур изҳор
Этди Фарҳод — моҳир сан'аткор.

Ёғиларди ҳарёндан олқиш
Кетган эди табиатдан хуш.
Офарин деб қари-ёш қолди.
Офарин деб тоғ-тош қолди.

* * *

Ўз хушига келгандан кейин
У, бошини кўтарди секин.
Атрофига бир ташлаб назар
Тирик жондан кўрмади асар.

Кўзин олмай қаради узоқ:
Унга таниш жонажон тупроқ —
Украина ери бепоён
Боқар эди ма'сум, меҳрибон.

Аллақайда гумбирлайди тўп,
Узоқларда ўт ёнади кўп.
Чекиларкан душман беомон
Ўт қўйганин англади шу он.

! Интилади олдинга томон,
! Лекин булоқ каби оққан қон
Имкон бермас олға юришга
Душманига ўқин узишга.
Кўкрагини ўпирган олов
Азоб берди унга беаёв.

Ёш юраги ҳаёт истайди.
! Қони қасос томон қистайди.
Аммо, мана, қаршидан ўлим
Унга қараб ушла,— дер,— қўлим!
Оғир азоб сезиб ўзида
Ғазаб ёнди шахло кўзида.

Қобил Қори оташга тўлиқ
Жаранглатди майин бир қўшиқ-
„Эдим юртимда сан’аткор
Ки, бунда жанг қилучиман,
Матон эрқим олмоққа
Келибман ушбу майдона“.

У беғубор осмонга боқди
Ва сирҳли кўзгуни топди.
Кўзгу мисол зангори осмон
Она юртин қилди намоён:

Қаршисида турган ўлим ҳам
Ғойиб бўлди кўзидан бирдам.
Мана уйи, ҳавли, гулзори
Ва меҳрибон онайизори.
Отасининг нуруни юзи,
Йўлларига интизор кўзи.

Гул ичидан кўйлаги атлас,
Лаби ёқут, кўзлари наргас
Ёри майин қилиб табассум
Унга боқди гўзал ва ма'сум.

Сўнг ўзини саҳнада кўрди,
Фарҳод бўлиб тоғларда юрди.
Аста ўтди ташланган гуллар,
Чапак чалган қизлар, булбуллар,
Балиқ сузган у олтин булоқ,
Ширин наҳри, Фарҳод қазган тоғ.
Кенг пахтазор, води, боғ, бўстон
Юз курсатгач гул Ўзбекистон:

Йўқ,— деди у,— ўлгим келмайди.
Кўзларимни югим келмайди.
Бу бўстонни сақламоқ керак,
Бу бўстонда яшамоқ керак.

Вужудида ҳарорат ортди.

- Хаёлини ойина тортди:
Бўстон эмас вайронлик, даҳшат,
Кўз олдидан ўтди беадат:—
Қора дорга осилган аёл
Олтин сочи ёзиқ тол-тол,
Баданида қамчининг доғи,
Ерга тегмай чўзиқ оёғи
Чайқалади шамолда аста.
Бошсиз ётар гўдаги пастда.

Сўнг шаҳарлар кўринди вайрон,
Дар'ёдаги сувлар қизил қон.
Узоқлардан келаркан фар'ёд—
У бошини кўтариб кушод:

! — Йўқ, бу куйган далалар ҳаққи,
Бошсиз қолган таналар ҳаққи,
Яксон қилмай душманни тамом,
Бари учун олмай интиқом,
Мен ўлимга бўлмайман рози.—
Деди. Ғазаб тўла овозин
Олиб кетди узоққа шамол
Ва у боқди ойнага беҳол:—

Душман пайхон қилган дала, қир,
Ўтаберди кўзгуда бир-бир.

Энг сўнгида ўзи ўлдирган,
Паймонасин ўзи тўлдирган —
Немисларнинг жасадидан тоғ
Кўтарилди кўзгуда шу чоғ,
Тепасида биргалаққузгун
Базим қуриб қилади ўйин.

Халос этган қишлоқлар ўтди,
Озод қизлар унга гул тутди,
Қобил Қори ҳолсиз, зўрбазўр
Кўзин олди кўзгудан мағрур:

Жангчиларни кўрди бошида,
Командирин кўрди қошида:

— Жон дўстларим ҳуш қолинг, — деди,
Мен учун ҳам ўч олинг, — деди.

— Мен ўлимдан асло қўрқмайман —
Лекин яшамоқни истайман.

Ҳаёт яхши, кураш ҳам яхши,
Она тупроқ, қуёш ҳам яхши,
Шу тупроқда берганимчун жон
Кўз юмаман мағрур, беармон.
Қолди ёрим, падарим, онам,
Қолди севган қўшиқларим ҳам.
Мана, турар қаршимда ўлим,
Лекин қўшиқ тилайди кўнглим.

Куйлай, дўстлар, тингланг сўнги бор,
Сўнгра, майли, сиз айланг такрор:

„Қаро кўзим кел эй мардумлиғ, эмди фан қилгил
Кўзим қаросига мардум каби ватан қилгил.
... Юзинг гулига кўнгил равзасин ясаб гулшан...
... Гулоб блан ювгил баргидан кафан қилгил.

Сан'аткорнинг нафаси тинди.
Халоскорнинг нафаси тинди.
Дўстлар сокин эгганида бош
Шарқ томонда кўринди қуёш.

Сукунатни бузиб ел-шамол,
Тинган куйни айлади такрор.
Тилга кириб асрлик ўрмон
Такрорлади қўшиқни шу он.

Такрор этди у куйни дар'ё,
Қор тагида ётган ўт, гиё,
Такрорлади тошлар, тупроқлар,
Такрорлади жангчи ўртоқлар.
Такрор этар тоғлардаги қор
Такрор этар келганда баҳор...
Шундай яшар асрлар бўйи,
Ҳалок бўлган ҳофизнинг куйи.

* * *

•

Сокин оқар дар'ё лабида,
Бир туп кўмкук арча тагида
Қабр турар. Бошидаги хат
Марҳум эрдан беради дарак:
„Бунда ёвни қириб беомон
Ватанга жон берган қаҳрамон
Жангчи Қобил Қори ётади“.
Тонглар уни эслаб отади.
Секин елиб майин шамоллар
Шарқдан ғарбга эсган замонлар,
Келтиради райҳон бўйини,
Ширинларнинг дилбар куйини,
Кўп юлдузлар ой блан тунда
Келиб, майин эгилиб шунда —
Салом айтар туққан элидан,
Ширин калом ўзбек тилидан.
Тепасида тўкиб кумуш ёш
Секин қайтар келсин деб қуёш.

26. III, 43

МУНДАРИЖА

	<i>Бет</i>
Ҷижрон	5
Талак	6
Ҳуллер очилганда	7
Ҷўлимда қуролу, устимда шинель	9
Ҳарзанд	11
Ҳримакда қор	13
Ҳулув тонг	15
Ҷўзларингда борми юлдузинг	17
Ҷижрон кунларида	19
Ўкки ш'ер	20
Ҳенинг мафтунинг	24
Ҳой кечаси	25
Ҳлтиң куз	26
Ҳигитларга	28
Ҳидо' лашув	29
Ҳизни ҳут	31
Ҳартизацнинг қабри тепасида	33
Ҳни Фарҳод дер эдилар	37

На узбекском языке
З У Л Ь Ф И Я
В ДНИ РАЗЛУКИ
(Сборник стихов)
Госиздат УССР
Ташкент — 1944